Ушбу сонда:
2 ҲАЁТИМИЗ ГУЛЛАРИ – САОДАТ СОҲИБАЛАРИ
3 БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!
4 УЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 6 март, сешанба №36 (1050)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИГА ТУҲФАСИ

Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент ислом университетида катта шодиёна. Муборак Қурбон ҳайити арафасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг тухфаси - Тунис давлатида чоп этилиб, мазкур мамлакат Президенти Зайн ал-Обидин бин Али томонидан Ўзбекистон халқига юборилган 30 жилдли Мусҳафи Шариф университет талабаларига сақлаш учун тақдим этилди.

Мазкур ҳадя рамзий маънога эга бўлиб, мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳбарлигида Ўзбекистон халқининг миллий қадриятларимизни қайта тиклашга, дунё илми, маданиятини тебратган буюк алломаларимиз хотирасини эъзозлашга, уларнинг ўлмас ғояларини ҳозирги ва келажак авлодларга мерос қолдиришга қаратилган хайрли ишлар эътирофини англатади.

Жамиятимизда кечаётган маънавий янгиланиш жараёни диний манбаларни чуқур ўрганиш ҳамда ислом дини қадриятларини кенг тадқиқ этиш жабҳаларида ҳам амалга оширилмоқда. Бебаҳо тухфа - Мусҳафи Шарифнинг Тунис давлати томонидан тақдим этилиши ўзбек халқига билдирилган эҳтиром ҳамда Имом Бухорий ва Имом Термизий каби алломалар юрти бўлган ўлкамизни бутун мусулмон оламида қайтадан тан олаётганидан далолат беради.

Президентимизнинг ташаббуси ва фармонларига кўра ташкил этилган Тошкент ислом университетида талабалар дунё динлари, диншунослик, исломшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологияси каби мутахассисликлар бўйича таҳсил олмоқда. Ислом тарихи, фалсафаси, диний қарашларга оид манбаларни илмий таҳлил ва тадқиқ этиш, халқимиз қўлида сақланаётган осори атиқаларни тўплаш ва илмий ўрганишни йўлга қўйиш мақсадида университетда «Манбалар хазинаси» ташкил этилган. Бу хазина мамлакатимиз ва хорижда мавжуд бўлган қўлёзма ва нодир китоблар билан бойиб бормоқда.

Тадбирда Ўзбекистондаги хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз саволларига қониқарли жавоблар олди.

Президентимиз номидан топширилган ушбу ҳадя ислом аҳкомларини янада кенг ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Туҳфани қабул қила туриб, университет талабалари ёшларга доимий ғамхўрлиги учун Юртбошимизга ўзларининг чексиз миннатдорликларини изҳор этдилар.

(ЎзА).

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Гужаратдаги кўплаб қурбонларга сабаб бўлган ва катта вайронагарчилик олиб келган зилзила муносабати билан билдирган ҳамдардлигингиз учун Сиздан ғоят миннатдорман. Ушбу табиий офат қурбонлари ҳақидаги самимий сўзларингиз ва Ўзбекистон халқи ҳамда ҳукуматининг сахийлик билан кўрсатган ёрдами бизни тўлқинлантириб юборди.

Зилзила катта қўламдаги вайронагарчиликка сабаб бўлди. Ҳозирги пайтда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун тезкор чоралар кўрилмоқда ва кенг микёсли тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Жаноби олийлари, Сизга чуқур эҳтиромимни қабул қилишингизни сўрайман.

АТАЛ БИҲАРИ ВАЖПАИ,
Ҳиндистон Республикаси бош вазири.

«ОЛТИНСОЙ» КЎРКИ

Хатирчи туманидаги «Олтинсой» ширкат хўжалиги чорвадорларининг орзуси ошди. Бу ерда гиламлар тўқиш йўлга қўйилди. Бу гиламларда «Олтинсой» тамғаси босилиб йил охиригача қўли гул усталар 50 дан ортиқ ана шундай маҳсулот етказишни кўзлашган. Хўжаликда 10500 бош ангор эчкиларидан ҳом-ашё олиняпти. Агар тайёрланаётган маҳсулот тез орада сотилиб кетса йил охирига бориб, фойда 5 миллион сўмдан ошади.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Хайр ва саховат байрами бўлмиш муборак Ийд ал-Адҳо - Қурбон ҳайитининг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Аллоҳ таборака ва таолодан бу қутлуғ айёмда Сизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, дўст халқингизга ва мусулмон умматига хайру баракот ато этишини тилаб қоламан.

Айёмингиз муборак бўлсин.

Муҳаммад Хусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни изҳор этаман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, турк халқи ҳамда ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт, дўст ва қардош Ўзбекистон халқига ҳамиша омонлик ва фаровонлик тилаб, энг эзгу ниятларимни йўллайман.

Аҳмет Неждет СЕЗЕР,
Туркия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қутлуғ Қурбон ҳайити кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини, Ўзбекистон ҳукумати ва халқини табриклайман.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига фаровонлик ва муваффақиятлар тилаб қоламан.

Саййид Муҳаммад ХОТАМИЙ,
Эрон Ислом Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Бутун мусулмон уммати муборак Қурбон ҳайитини нишонлаши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига Малдив Республикаси ҳукумати ва халқининг қутловлари ҳамда ўзимнинг самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллайман.

Ушбу қувончли кунда Қодир Аллоҳ барча ислом умматига тинчлик ва бирдамлик, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар халқингизга эса улкан тараққиёт ва доимий фаровонлик ато этсин.

Маъмун АБДУЛҚАЮМ,
Малдив Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Фидоийлик ва қурбонлик байрами - муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши муносабати билан Фаластин халқи ва раҳбарияти ҳамда шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ва Сиз орқали ҳукуматингиз ва биродар халқингизга қизғин табрикларимизни йўллашдан бағоят хурсандман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга соғлиқ ва бахт, биродар халқингиз ва мамлакатингизга эса бундан буён ҳам тараққиёт, ривож ва фаровонлик сари боришни тилайман.

Ёсир АРАФОТ,
Фаластин Мухторияти раиси,
Фаластин озодлик ташкилоти раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Ислом уммати нишонлаётган муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларим, эзгу ниятларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ушбу муборак байрамда Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, халқингизга эса равнақ, фаровонлик ва тараққиёт ато этсин.

Ушбу айёмда Аллоҳдан ислом умматимизга осойишталик, ҳуррият ва ҳамфикрлик сўрайман.

Президент Жаноби Олийлари, юксак эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Абдулвоҳид БАЛҚАЗИЗ,
Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби

Шу кунларга етказганига шукур!

Ижтимоий муҳофаза

МАНЗИЛЛИ ХИЗМАТ – БЕМИННАТ

Sirdaryo

Инсон табиати ҳали онгу шуур билан англаб бўлмайдиган сир-синоатларга тўла. Унинг ҳаёт тарзини тинимсиз ҳаракат ташкил этади. Белдан мадор кетиб, қадди дол бўлгач, кексалик даври етиб келганини англайди. Айни шу пайтдагина бир беминнат дастёрга муҳтожлик сезади.

Бутун умрини юрт равнақи йўлида пойдор этган қарияларимиз бахти шундаки, истиқлолга эришганимиздан кейин ижтимоий таъминот тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, тизимдаги дастёрлар хизмати йўлга қўйилди.

Оқолтин туманида бўлганимизда туман ижтимоий таъминот бўлими ишлари билан танишдик. Айниқса, тизимдаги дастёрлар хизмати беминнат амалга оширилаётгани бизни хурсанд қилди. Туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Абдумўмин Қўзибековнинг сўзларидан ҳам туманда олиб борилаётган ишлар қувонарли экани аён бўлди. Якка-ёлғиз яшовчи қариялар билан бўлган суҳбатларимиз эса А.Қўзибековнинг сўзларини янада тўлдирди.

— Ёшим 75 га етди, — дейди боқувчисини йўқотган Ҳанифа Аҳмедова. — Қариликнинг гашти билан бирга ўзига хос инжиқликлари ҳам бўларкан. Баъзида кундалик эҳтиёж учун дўконга чиқиб келиш ҳам малол келади. Шукрки, ижтимоий таъминот бўлими ходимлари кунора хонадонимда бўлиб, барча уй юмушларимни бажариб кетишади. Дўкондан зарур маҳсулотларни келтириб беришади. Бундан ташқари, ҳар ойда давлатимиз томонидан бепул ажратилган 9 турдаги маҳсулотни уйимизга олиб келишади. Бундай беминнат кўмақдан тоабад миннатдормиз.

Туманда манзилли хизмат афзалликларидан фойдаланаётганлар сони 19 кишини ташкил этади. Уларга 3 нафар ходим хизмат кўрсатишади. Ўтган йили 98 минг 900 сўмлик дори-дармон, 48 минг сўмликдан кўпроқ моддий ёрдам, 34 минг сўмлик озиқ-овқат, 87 минг сўмлик саноат моллари етказиб берилди. Шунингдек, уларга тумандаги қатор ташкилотларнинг оталиқ ёрдами ҳам кўрсатаяпти.

— Қариялар хонадонида бўлганимизда худди ўзимизга, кекса ота-онамизга хизмат қилаётгандек бўламиз, — дейди манзилли хизмат ходими Муяссар Нуриддинова. — Нафсиламбрини айтганда, улар ҳам бизга суяниб қолишган. Бизнинг ташрифимизни интизорлик билан кутишади. Уйларида бўлганимизда эса ҳеч тортинмасдан дардлашадилар. Биз ҳам уларнинг ўксик дилларига далда бўлишга интиламиз.

Беминнат дастёрлар хизматидан туман кексалари ҳам мамнун. Энг муҳими, мазкур соҳа ходимлари масъулиятли, айни пайтда одамийликка йўғрилган ўз хизматларидан асло оғринмайдилар.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Пайариқ тумани марказида қад ростлаган қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи биноси яқинлашиб келаётган қутлуғ Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

ПАЙАРИҚДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

300 ўринли мазкур коллеж қурилишига 70 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. Уни тендерда ғолиб чиққан вилоят ҳокимлигининг якка тартибдаги уйжойлар қурилишини мувофиқлаштириш бошқармаси қурувчилари бунёд этди. Ушбу касб-ҳунар коллежи талабалари қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, агрономия, ветеринария, молия, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари назорати йўналишлари бўйича мутахассис бўлиб чиқади. Коллежда талабаларнинг билим олишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

(ЎзА).

БОЛАЛАР УЙЛАРИДА НАВРЎЗ НАФАСИ

Ўртачирчиқ туманидаги 124-махсус мактаб-интернатга баҳор нафаси билан биргаликда муруватли инсонларнинг меҳри ҳам кириб келди. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими бу даргоҳда олтмиш нафар болани кийим-бош билан тўлиқ таъминлади.

— Туманда хонадонлар бағрида тарбияланаётган йигирма нафар кичкинтойни ҳам унутганимиз йўқ, — деди жамғарма вилоят бўлимининг раиси Гулсанам Ваҳобова. — Уларга ҳам байрам совғалари улашилди. Тумандаги болалар уйига жами 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бу хайрия тадбирини амалга оширишимизда Англиянинг «QUICK STOP GROUP» фирмаси президенти Житендра Пател яқиндан ёрдам берди.

Мажбурий таътилга барҳам берилди

ХОДИМЛАР ЎЗ ЎРИНЛАРИГА ҚАЙТДИЛАР

Qoraqalpog'iston

Мўйноқ балиқ консерва комбинатининг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида зарур асбоб-ускуналар, хомашёни четдан келтириш мушкуллашгани боис, ишлаб чиқариш қуввати, иқтисодий салоҳияти бир неча баравар пасайиб кетди. Ўтган йили корхона атиги 20 фоиз қувват билан ишлаб, режадаги 2,5 миллион шартли банка ўрнига 760 минг консерва тайёрлади. Бу кўрсаткич 1999 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1 миллион 16 минг донага кам бўлди, деганидир. Натижада комбинатда йилнинг фақатгина 54 иш кунида маҳсулот ишлаб чиқарилди. 200 кун эса корхона бўш турди. Ишчи, муҳандис-техник ходимлар мажбурий дам олишга чиқарилди. 2001 йилнинг 1 январига бўлган ҳолат таҳлил этилганда комбинатнинг қарзи 107 миллион сўмга, иш ҳақидан қарздорлик эса 13,5 миллион сўмга етди.

Издан чиққан вазиятни ўнглаш мақсадида «Қорақалпоқбалиқ» ҳиссадорлик бирлашмаси, комбинат маъмурияти қўшни давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйди. Украинанинг Зопорожье шаҳридан йилига 370 тонна маҳсулот идишларини ясашга мўлжалланган оқ тунука олиш юзасидан фойдали шартнома имзоланди. Январ ойида тунуканинг дастлабки 50 тоннаси келтирилиб, консерва банкалари ишлаб чиқаришга киришилди. Натижада корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, жамоа хўжаликлари режадагидан анча кўп — 316 тонна балиқ овлаб, комбинатга топширишди. Биргина бирлашманинг ўзи Мўйноқ консерва комбинатига йил охиригача етказиб берадиган балиқ миқдори етти минг центнердан кўп бўлади.

Ва ниҳоят, мажбурий таътилга чиқарилган ишчилар ўз ўринларига қайтдилар. Корхонанинг илгариги минг кишилик жамоаси қайта тикланиб, ҳозирда уч сменада меҳнат қилишмоқда. Бу ерда ишловчилар мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланадиган қутлуғ санада 720,5 миллион сўмлик ёки 2,5 миллион дона шартли банка консерва маҳсулоти етказиб бериш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

ҲИМОЯ

адвокат саъи-ҳаракати, қатъиятлиги натижасида ноҳақ қамалган йигит мушкули осон бўлди

Биз сўзлаб бермоқчи бўлган воқеа қонун ҳимоячиси ўз бурчига садоқат билан ёндошганида кечириб бўлмас хатоликнинг олди олиниши мумкинлигига яққол мисол бўла олади.

... Ўшанда, бир неча кун давомида Назиржон ака Раҳимовнинг уйқуси келмади: ўйланаверди, ўйланаверди. Наҳотки қўй оғзидан чўп олмайдиган мана шу йигитнинг одам ўлдириш қўлидан келса? Йўқ, мумкин эмас. Яна у нима дейди денг: «Ҳа, мен ўлдирдим. Жанжаллашиб туриб бир мушт туширган эдим, жони узилди».

Воқеанинг боши эса мана бундай бўлганди.

Кунларнинг бирида Марҳамат туманидаги У.Қорабоев номли жамоа хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи «Ҳамза» ариғидан эркак кишининг жасади топилди. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан мурданинг шахси, ёши, турар-жойи аниқланди. Маълум бўлишича, у 22 ёшли Абдуваҳоб Мирзалиев бўлиб, Ғанижон Шоловга тегишли жун титиш корхонасида ишчи бўлиб ишлар экан. Қотиллик содир этилган куни уни ишхонасидан Мирзоҳид Умаров деган йигит чақириб олиб кетган. Уларни йўлда бирга кўрган гувоҳлар ҳам бор. Гумондор Мирзоҳид сўроқ қилинганда ўз айбини тўла бўйнига олди ва унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

Ҳибсга олинган йигитнинг отаси дарҳол туманда ном чиқарган адвокат Назиржон акани излаб топди. Ўғлининг қўлидан қотиллик келмаслигини бот-бот такрорлади: «у туҳматга учради. Илтимос, ҳимоянгизга олинг».

Терговчи А.Солиев Назиржон акага воқеани қисқача баён этиб берди.

— Хўп, йигит-ку ўз жиноятига иқрор бўлибди. Лекин унинг иқроридан ташқари қўшимча далилларингиз ҳам борми? — сўради адвокат терговчидан.

— Воқеа жойидан видеотасвир тайёрладик. У ерда гумондорнинг излари ҳам топилди, — жавоб қилди терговчи.

— Бошқа оёқ излари ҳам бормикан?

— Оёқ излари кўп. Эҳтимол мол боқиб юрган болалар қолдирган бўлишлари мумкин...

Маълум бўлдики, гумондор ва мурданинг кийим-бошлари устида микрозарралар экспертизаси ўтказилмаган.

— Бунга зарурат йўқ, — деди Назиржон акага терговчи . — Сабаби, далиллар етарли. Бунинг устига қотилнинг ўзи иқрор бўлиб турибди.

Адвокат қатъий равишда микрозарралар экспертизаси ўтказишни талаб қилди. Сўнгра эса гумондор билан учрашди.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор

(Давоми 3-бетда).

Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида

ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШЧИ ГУРУҲИ ҲИМОЯСИДА

Тошкент вилоят Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма қўмитасида бир неча йилдан бери Аёллар муаммоларини ўрганиш ва ёрдам бериш ишчи гуруҳи фаолият кўрсатиб келмоқда. Гуруҳ тармоқда меҳнат қилаётган аёлларнинг турмуш тарзи, касбий муаммоларини чуқур ўрганиш, уларни бартараф этишда кўмаклашиш, мавжуд камчилик-хатолардан касаба уюшмаларини хабардор этиш, ишловчи аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий мухофазаларини таъминлаш билан шуғулланади. Ушбу ташаббус Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан қўллаб-қувватланди. Хусусан, Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасида хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси тузилди.

Тошкент вилоят тармоқ қўмитаси бошлаб берган бу хайрли ташаббус меҳнат муносабатлари доирасида аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш, саломатликлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, муносиб меҳнат шароитларини яратишда катта ёрдам бермоқда.

Шунингдек, гуруҳ хотин-қизларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеларини кўтариш, ҳуқуқий савияларини ошириш, қабул қилинаётган янги қонунлар билан таништириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишларида улар учун қулай шарт-шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда.

Вилоят тармоқ қўмитасидаги Аёллар муаммоларини ўрганиш ва ёрдам бериш ишчи гуруҳи хотин-қизларни иш билан таъминлаш, меҳнат бозоридаги рақобатда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иш жойларини сақлаб қолишни ўз фаолиятининг асосий йўналиши деб белгилаган. Бундан ташқари, барпо этилаётган қўшма корхоналарда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат қилиш қобилиятлари, жисмоний, интеллектуал салоҳиятларини муносиб баҳолаш, яъни меҳнатга яраша ҳақ тўлашни кафолатлаш хавфсиз меҳнат шароити ва чегараланган иш куни ташкил этишга қодир бўлган ишчан касаба уюшма қўмиталарини тузишга эришиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, касаба уюшма қўмитаси тузилган корхонада жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялари кафолатланади. Шунингдек, улар барқарор иш ўринларига эга бўладилар.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, вилоят тармоқ қўмитаси қошида фаолият кўрсатаётган мазкур гуруҳ иш жойларида аёлларга яратилган шарт-шароитларни ўрганиш билан бирга ойлик маошларининг ўз вақтида бериб борилишига ҳам ечим топади. Аёлларни ишдан бўшатиш ва ишга қабул қилиш масалаларини чуқур ўрганиш, ёшлар билан иш олиб бориш ҳам уларнинг муҳим вазифаларига киради.

Айнан шу масалалар куни кеча Тошкент вилоят Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма қўмитасининг Ангрен шаҳрида ўтказилган ўқув-семинарига асосий мавзу қилиб олинди.

— Касаба уюшма сардори аввало одамларни сабр-тоқат билан тинглай олиши, уларнинг муаммо ва талабларини маъмуриятга етказа олгани ҳолда меҳнаткаш аёлларнинг мушкулини осон қилмоғи даркор, — деди вилоят тармоқ қўмитаси раиси Мавжудахон Халилова. — Бунда ундаги билим савияси, вазиятни тезкор таҳлил этиб, ҳар қандай шароитда тўғри қарор қабул қила олиш, кабинетда эмас, кўпроқ ишчилар орасида бўлиб, улар талаб ва эҳтиёжлари билан яқиндан танишиш каби сифатлар жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

(Муҳаммад пайғамбар дейдиларки...)

Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил.

***

Тангри гўзалдир, гўзалликни яхши кўради.

***

Қачонки эр ўз хотинига ва хотин ўз эрига қарашса, Тангри ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди. Борди-ю кафтини кафтига қўйса, бармоқлари орасидан гуноҳлари дув-дув тўкилади.

***

Аёлларга эркаклар ўз туғишган опа-сингиллари каби муносабатда бўлишлари керак.

***

Икки заиф тоифа, яъни етим ва аёл ҳаққини емоқни сизларга ҳаром қиламан.

***

Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳли аёлига хушмуомалада бўладиганларингиздир.

ҲАЁТИМИЗ ГУЛЛАРИ — САОДАТ СОҲИБАЛАРИ

Қўшма корхоналарда касаба уюшма қўмиталарини тузиш масаласига келсак, бунда биз одамларни нима учун ўз сафимизга қўшаётганимиз, бу кўпроқ уларнинг манфаатига хизмат қилишига ишонтира олишимиз лозим.

Ўқув семинарда шунингдек, турли мавзуларга бағишланган машғулотлар халқаро касаба уюшмалари иш тажрибаси — АСЕМ ўқув Маркази (Кимё, тоғ-кон саноати, энергетика ва бошқа турли касб ишчиларининг Халқаро касаба уюшмалари Федерацияси) услубида олиб борилди. Яъни, мавзу, мақсад, вазифа белгиланган ҳолда йиғилганлар бир-бирларини қисқа савол-жавоблар орқали ўрганишлари асосида муаммолар ҳал этилди.

Семинарда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, Тошкент шаҳар тармоқ қўмитаси, вилоятдаги барча тармоқ корхона ва ташкилотлари вакиллари, бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари иштирок этдилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Ялпиз ҳидларига тўлганда қишлоқ

ҲУРРИЯТ ФАСЛИ

Кечалар кун сайин дилни ёқмоқда,
Майсалар қонида жунун оқмоқда.
Давр сенда бўлса, гуноҳидан ўт,
Қара, узоқлардан Баҳор боқмоқда.

Қоялар лабида жимгина қотган
Харсанглар бургутлар бўлиб учгудай.
Арчалар пойида мўралаб ётган
Қип-қизил лолалар сели кўчгудай.

Ҳадемай дунёни босади ҳавас,
Найнинг навосидай эшилади йўл.
Дарёлар буралиб ўтар, ўтпараст
Майсалар бўйнига узатаркан қўл.

Сўқмоқлар изидан чопиб, энтикиб,
Чарсиллаб эрийди минг йиллик қорлар.
Турналар йўлига кўзини тикиб,
Қаддини тиклайди кўҳна чинорлар.

Кун сайин кенгайиб боради осмон,
Кун сайин тирила бошлайди тупроқ.
Қирларга ўрмалаб чиқади бодом,
Ялпиз ҳидларига тўлади қишлоқ.

Юлдузлар оқади ўз куйига маст...
Мени соғинади хаёлпараст тун.
Биламан, ҳеч нарса ўлдира олмас,
Ўлдирса, соғинчлар ўлдирар бир кун!

Димоқни бу кунлар бўйи ёрмоқда,
Кўнгилдан кетмоқда минг йиллик зорлар.
Қара, узоқлардан баҳор боқмоқда,
Китоб тоғларида эриди қорлар...

ҲАНУЗ ЎШАМАН

Мен ҳануз ўшаман —
ўжар малика,
Эгнида жандаю, кўксида осмон.
Сендан ўзгасини лойиқ кўрмаган,
Сендан ўзгасига бўлмаган қурбон.

Мен ҳануз ўшаман —
тошқин бир дарё,
Тошларни тошларга уриб йиғлаган.
Қучоғингда оқмоқ истаган, аммо
Бу тор қирғоғингга сиғмаган...

Мен ҳануз ўшаман —
томчига йиғлаб,
Дунё тўфонига назар қилмаган.
Сир каби сақланган, кимлигин
Худодан ўзга зот билмаган.

Мен ҳануз ўшаман —
сенинг пойингда.
Умри тупроқларда муҳрланган из.
Сенинг лабларингдан дунёга келиб,
Сенинг лабларингда ўладиган қиз,
Мен ҳануз ўшаман,
Мен ҳануз ўша...

Зебо МИРЗАЕВА.

Баҳорни бежиз фасллар келинчаги дейишмайди. Зеро қалбларга инган баҳорий кайфият гўзал чеҳраларда акс этади, дилларда эзгулик чечак отади.

Мукофот муборак!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 февралдаги қарори билан ўз истеъдодини намоён этаётган ҳамда адабиёт ва санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун республикамизнинг бир гуруҳ иқтидорли қизлари Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб топилдилар. Мукофотланганлар орасида Шаҳрисабздаги Алишер Навоий номли ихтисослашган мактаб ўқувчиси Шаҳноза Холмаҳматова ҳам бор.

«МЕН ЎЗБЕГИМ БАХТЛИ ҚИЗИМАН»

Шаҳноза буюк шоирамиз номидаги юксак мукофот насиб этган қашқадарёлик иккинчи совриндор. Ўтган йили унинг юртдоши Амир Темур номли мактаб ўқувчиси Гулҳаё Эргашева ҳам шу мукофот соҳибаси бўлган эди.

У жаҳонгир Амир Темур қурдирган Оқсарой кунгираларига, қадимий осори-атиқаларга боқиб ўз иқтидори ила юрт шуҳратини оламга ёйган табаррук аждодлари ҳақида ўйларди. Сароймулкхоним, Кенагасхоним сингари мўътабар момолари бўлганлигидан ёш қалбида фахрланиш ҳисларини туярди.

Шаҳноза эндигина ўн биринчи баҳорни қаршиламоқда. Шаҳрисабзликлар уни адабиёт ва санъат ихлосманди, шаҳар телевидениеси «Болаликнинг рангин олами» кўрсатуви бошловчиси, аълочи ва жамоатчи ўқувчи сифатида биладилар. У расмлар чизади, зардўзликка қизиқади.

Қизалоқ мактабда билимларни пухта эгаллаш билан бирга шаҳар маданият саройи қошидаги халқ ансамблида қатнашиб, роллар ижро этади. Таниқли шоир ва шоираларнинг шеърларини ифодали ва равон ўқийди. У республика телевидениеси орқали намойиш қилинган «Ҳуррият» видеофилмида ҳассос шоира Зулфиянинг ёшлиги ролини моҳирона ижро этган. Телемарафонларда, республика радиосининг эшиттиришларида ўз машқлари билан қатнашиб туради. Дарвоқе, ўтган йили «Насаф» нашриётида «Оқсарой офтоби» шеърлар тўплами нашр этилди унинг.

Мактабда тажрибали ва билимдон муаллимлар Қурбонтош Одилова, Гулбаҳор Зоҳидова, Дилафрўз Йўлдошева, Машҳура Каримова, Шоҳида Ҳайдаровалардан таълим олмоқда. Шеър ёзиш сирлари билан эса қашқадарёлик таниқли шоир, бир неча шеърий тўпламларнинг муаллифи Бозор Номозов таништирмоқда. Қўшиқ айтиш, роллар ижро этиш соҳасида шаҳар театрининг режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Элмурод Боймуродов мураббийлик қилмоқда. Сухандонлик илмидан шаҳар телевидениесининг раҳбари Гулнора Узоқова воқиф этмоқда. Туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси Шаҳноза Бахтиёр қизининг ижрочилик қобилияти ва истеъдодини ўстириш учун ғамхўрлик қилмоқда. Адабиёт ва санъат соҳасида бир неча бор вилоят ва республика кўрикларининг совриндори бўлган ўқувчи қиз қалбида кўркам ва сўлим кўклам яшил гиламини ёзган ушбу фараҳли дамларда баҳорий туйғулар жўш урмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

УЛАР БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

Муҳташам Санъат саройида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ташаббуси билан 8-Март — Хотин-қизлар байрами ва Оналар ва болалар йилига бағишланган «Аёл — ҳаёт гули» номли тадбир ўтказилди.

Тадбирга тумандаги барча маҳаллалар, корхона ва ташкилотлардан 2,5 мингдан зиёд кўп болали оналар, пиру бадавлат бувижонлар таклиф этилдилар. Уларни Хамза номли Давлат Академик театри актрисалари келин саломи билан қарши олдилар.

Тадбирда тумандаги Янгиобод, Хадра, Кўкча, Янги шаҳар, «Жонбоз», Камолон, Шоюсупов, Шофайз, Янги камолон каби маҳаллалар хотин-қизлар қўмиталари раисларига ҳамда болалар сил касалликлари шифохонаси бош шифокори Ноила Аҳмедова, метрополитен хизматчиси Вера Никитина, Шаҳар болалар кардиоревматология Маркази ҳамшираси Маҳбуба Ҳакимова, 1-шаҳар клиник шифохонаси ҳамшираси Орзу Мирзаева, 85-мактаб раҳбари Дилором Жавҳарова, Туман халқ таълими бўлими ходими Валентина Загидова, Меҳнат биржасининг бир неча ходимларига туман хокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳам тумандаги меҳнат ва жамоат ишларида фаол аёлларга ўз мукофотларини топширдилар.

Тантанали тадбир иштирокчиларини халқимиз суйган хонандалар — Насиба Сатторова, Умаржон Маҳкамбоев, Обиджон Асомов, Коммуна Исмоилова, Манзура, «Шаҳзод» гуруҳи, Шаҳноза бону, ғунча очиб келаётган ижодкор ёшлардан Диёрбек Маҳкамбоев, доирачилар ва раққоса қизлар гуруҳи, «Умид» студияси ижрочилари самимий қутладилар.

М. ДАВРОНОВА.

Ибн Сино ўгитлари

ОРАСТАЛИК СИЗГА ЯРАШАДИ

Сутни шакар билан ичилса, юзнинг рангини айниқса хотинларнинг юзини чиройли қилади.

***

Гулсафсар суви билан юзни ювилса, тозалайди, ялтиратади ва ажинларни кетказади.

***

Кунжут сочни узайтиради айниқса пояси ва баргининг ширасн шундай, улар сочни юмшатади ва қазғоқни кетказади. Кунжут ёғида миртани қайнатиб ишлатилса, сочни тўкилишдан сақлайди.

***

Беҳи терни тўхтатади. Унинг ёғи совуқдан ёрилганга фойда қилади.

***

Маймунжоннинг шохларини барги билан қўшиб қайнатилган сув сочни бўяйди.

***

Ялпизни, хусусан, уни янгисини шаробга қайнатиб боғланса, бадандаги ярадан қолган қора доғларни ва кўз остидаги қопталашни кетказади.

***

Қалампирмунчоқ оғиз ҳидини ёқимли қилади.

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Эҳзоз

Назминиса Деҳқонхўжаева.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, «Соғлом авлод учун» ордени сохибаси.

Бодомлар гуллаган, замину замон кўклам ташрифидан ороланган Ватан — Ўзбекистон йўлини, йилини Она-бола камолию буюк давлат келажагига эҳтиромдан бошлаган бир дамда Сиз ёдимга келдингиз, Назминисахоним. Ажабланманг, ахир, билим-тафаккури билан миллатдошлар дардига малҳам тутган, эли элдошлари соғлиги учун қалбидаги нурни - зиёни даврнинг гоҳ ўтли, гоҳ шудли онларидан омон олиб ўтиб, нина билан қудуқ қазиб, уч фарзанди қатори юзлаб шогирдларини элга қўшган Сиздек фозила ва комила Аёл билан ҳар қанча фахрланса — оз. Доноларимиз топиб айтишган, халқ Аёлдан, жаннат эса оналар пойидан бошланади. Халқига азиз ва мукаррам бўлмоқ ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Назаримда Сиз яхши ниятнинг, эзгуликнинг қондан-қонга кўчган тимсоли бўлиб дунёга келганга ўхшайсиз. Кўзларингиздаги меҳр нури камқонликнинг жабрини тортаётган болалар, Аёллар руҳига ишонч ва умид бўлиб жойланса, кенг феълингиздан хаста кўнгилларга олам завқи, ишқ ва оташ, ҳаётга муҳаббат кириб келади.

Биламан, Сиз ҳеч алоҳида қутловлар, ўзингизга нисбатан эътибор талаб қилмагансиз. Юрагингиздаги бор меҳрни ҳар куни фарзандларингиз — Орзугул, Равшаной, Гулнорабегимлару уларнинг ширин-дан шакар фарзандлари ва шогирдларингиз қатори сиздан шифо истаб келган дардман инсонларга байрамларга татигувлик совғалардек улашгансиз.

Сиз учун илмнинг машаққатли йўли роҳатга, умрингиз мезонига айланди. Шунинг учун ҳам ҳар бир яратган кашфиётларингиз Сизга бир лавозим бўлди. Изланиш ва кашфиётларнинг залворли одимлари қисматингизга айланди. Илмий ва ижтимоий салоҳиятингиз билан ўзбек аёлининг донолигига ҳайкал қўйдингиз. Турли халқаро анжуманларда фикрингизни, ўз қарашларингизни дунё олимлари олдида асослаб берганингизда Сизнинг тимсолингизда Ибн Сино жаҳонга қайта юз очди кўп бор. Тўғри, инсон ҳаётига хавф солувчи инфекцияларнинг нафақат ичакда, ҳатто тўқималарда ҳам яшашини илмий жиҳатдан исботлаганингизда анча ёш эдингиз. Кашфиётларингизга қаршилик қилганлар Сизнинг амалий ва назарий билимларингиз, ўткир, мантиқли мулоҳазаларингиз, илмий асосланган қарашларингиз олдида уялиб қолдилар. Ҳа, илм йўлидаги орзу-ниятларингиз ҳаётингизни, тафаккурингизни ёритди. Беморлар қонида қандайдир жонзод мавжудлиги, бу эса катта хавф солиши мумкинлигини ўткир фаҳмингиз билан идрок этдингиз. Фан таҳминларга эмас, аниқ тадқиқоту далилларга суянади. Умрингизнинг ўттиз йиллик энг гуллаган фаслини қонда топилган ана шу инфекцияни ўрганишга бағишладингиз. Илмий тадқиқотлар, уйқусиз ўтган тунлар, нуфузли анжуманлардаги баҳс ва мунозаралар. XXI аср хасталиги — камқонликни келтириб чиқарувчи сабабларни бирма-бир таҳлил қилиб берди.

Тадқиқотларингиз камқонлик касалини чақирувчи заменелёз замбуруғи эканлигини, бу эса тупроқда, қонда, она сутида, янги туғилган чақалоқнинг киндик қонида бўлишини илмий асослади. Замбуруғнинг юқишига ана шу манбалар асос бўлиб, у инсон танасига тушгач, қон катакчаларини заҳарлайди ва қон таначаларини ея бошлайди. Натижада камқонлик келиб чиқади. Замбуруғлар эса қонни еб-емириб инсон силласини қуритиб, касалликларга йўл очади. Сиз ана шу хавфли хасталикни нафақат илмий асослаб бердингиз, балки уни даволашга киришдингиз.

Сиз ҳамиша эл ардоғидасиз. Ҳамон беморлар умид кўзларини Сизга тикишади, тақдирларини Сизга ишонишади. Сиз эса ҳамиша шу содда, самимий халққа хизмат қилмоқдан бахтиёрсиз.

Жисмингизда, кўзингизда чексиз муҳаббат, қудрат яширинганки, у бир қатим нур мисол сизнинг тафаккур гулшанингиз шафоатидан баҳраманд, жамийки инсонларнинг юрагига рўшнолик, ёруғлик солади. Сиз бу камолатга меҳнату машаққатдан ташқари улуғ ниятингиз, Ватан ва халқингизга чексиз меҳрингиз билан эришдингиз. Сиздек зиёли, элим-элдошларим дегувчи миллат оналари бор экан, илло, бу юртнинг нони ҳамиша бутун , ризқи улуғ, истиқболи нурафшон бўлажак.

Амина ҚОДИРОВА.

БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!

Одамларнинг яхшиси одамларга манфаат келтирганидир.

МУБОРАК КУНЛАР ШУКУҲИ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов билан мусоҳаба

— Муҳтарам муфтий ҳазратлари, не бахтки, ота-боболаримиз орзу қилган эркин замоналар бизга насиб этди. Ҳайитларни мамлакат миқёсида байрам қилаяпмиз. Шу муносабат билан муштарийларимизга Қурбон ҳайити, муборак Ҳаж зиёрати ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Аввало Қурбон ҳайити барчаларингизга муборак бўлсин. Унинг файзу баракоти қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар айласин. Бу улуғ байрам кунида Ислом оламидаги барча иймон-эътиқодли мусулмон биродарларимизнинг қалблари равшан, диллари хушнуд, нигоҳлари муқаддас Каъбага қаратилган бўлиб, улар Аллоҳ таолонинг фазли карамидан умидвор. Мустабид тузум даврида борйўғи саксонга яқин жоме масжидлари фаолият кўрсатган бўлса, алҳамдулиллоҳ, ҳозир 1700 дан ортиқ жоме масжидларида беш вақт намоз эминэркин ўқилмоқда.

Маълумингизким, Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги Қарорида бу улуғ ва муқаддас амални адо этишда давлат томонидан ҳар томонлама қулайлик, имтиёз ва зарур шарт-шароитлар яратилди.

Биламизки, ҳаж сафари Ислом динидаги беш арконнинг биридир. Бу улуғ сафар жамият фаровонлиги даражасини кўрсатувчи, инсонларнинг бирлигини ифодаловчи, мусулмонларнинг Яратган парвардигорига яқдиллик билан итоат этишини таъминловчи муқаддас ибодатдир. Шариатимиз таълимотига кўра, ҳажнинг ўз шартлари мавжуд. Яъни, ҳаж сафарини ихтиёр этган ҳар бир мусулмон киши, аввало оқил, тани соғ, йўл харажатларига қодир бўлиши ва оиласини сафар мобайнида моддий таъминлаган бўлиши шарт. Бундан ташқари, ҳажга борувчи ҳар бир киши намунали аҳлоқ-одобга, хулқ-атворга эга бўлмоғи зарур.

Энди ҳожиларимизга берилаётган имтиёзлар ҳақида тўхтаб ўтсак. Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, диёримиздан муборак сафарга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1500 АҚШ долларини имтиёзли — воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб бериш таъминланади. Бу маблағ зиёратчиларимизни Саудия Арабистонига бориб-келиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун сарфланади.

Ҳожиларимиз сафар давомида кечаю кундуз тиббий ходимларимиз назоратида бўладилар. Булардан ташқари, Саудия Арабистонига кириш-чиқиш визалари билан таъминлаш, Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш ишлари ҳам амалга оширилди. Бундай имкониятлар бошқа ҳеч бир мамлакатда ҳаж зиёратига борувчилар учун яратилмаган.

— Боқий дунёга рихлат қилган азиз инсонлар руҳини ёд этиш тартиб қоидалари ҳақида кенг тушунтириш олиб борилаётганига қарамай, баъзи юртдошларимиз билиб-билмай байрамни азага айлантириб юборадилар. Шариатда бунинг қонун-қоидалари қандай?

— Яратган Парвардигор бизларга таълим бериб айтадики:

«Парвардигорингиз огоҳлантирмишки, агар шукр қилсангизлар, ато этган неъматларимни янада зиёда қилурман. Борди-ю ношукрчилик қилсангизлар, азобим жуда қаттиқдир».

Бу оятда Аллоҳ ато этган чексиз ноз-неъматларининг шукронасини бажо келтириб юришликка, зинҳор-базинҳор ношукрчилик қилмасликка буюради. Яна бир ояти каримада: «Енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар! Аллоҳ таоло исрофгарларни асло дўст тутмайди» дейилган.

Бу борада пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз муборак ҳадисларида кўпдан кўп тавсияларни баён қилиб берганлар. Масалан: «Эй умматларим енглар, ичинглар, садақа-эҳсон қилинглар, лекин уларга исроф ва такаббурлик аралашмасин».

Шундай экан, бизлар чиндан ҳам ўзимизни Аллоҳнинг бандалари ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматлари деб билсак, юқоридаги оят ва ҳадисларга амал қилган ҳолда исрофгарчиликнинг барча кўринишларига чек қўйишимиз лозим.

Бизнинг халқимиз меҳмондўст, саховатли халқ. Урф-одатларимизга кўра ўтказиладиган диний ва миллий маросимларимиз жуда кўп. Лекин афсуслар бўлсинким, бу маросимларни ўтказиш асносида ортиқча такаллуф ва исрофгарчиликка йўл қўйилади. Ошу нонлар ортиқча тайёрланиб, қолиб кетган емишлар ҳайвонларга берилади ёки ташлаб юборилади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир муборак ҳадисларида: «Хоҳ бойликда, хоҳ фақирликда, хоҳ ибодатда бўлсин, ўрта ҳол бўлишлик қандай чиройли?!» — десалар, иккинчи бир ҳадисда эса: «Тадбиркорлик тирикчиликнинг ярим илмига тенгдир» — деганлар.

Тадбир — бу ўзидаги ақл-идрок, билим ва тажрибаларга суянган ҳолда тўғри иш юритиш демакдир. Инсон тадбиркорлиги натижасида ўзи, оиласи, қариндошлари, ҳатто жамиятнинг келажак сари ҳаётий режаларини пухта, аниқ, равшан белгилаши мумкин. Иқтисодий соҳада эса тадбиркорлик — бу беҳуда исрофгарчиликдан сақланиш, сарф-харажатларни камайтириб, тежамкорлик қоидаларига риоя этишдир.

Шундай экан, Яратган парвардигорнинг нозу неъматларини манманлик, исрофгарчиликка йўл қўймай, тежамкорлик ва тадбиркорлик билан тўй ва бошқа маросимларга ишлатайлик.

Яна шу нарсани айтишим керакки, тўй ёки ҳайит баҳонаси билан қудалар ўртасида қўша-қўша тоғоралар, сарупосуруғлар каби ортиқча исрофгарчилик бўлмаслиги лозим. Дабдабали маросимлардан қандай наф бор? Бунинг ўрнига ўша маблағларни фарзандларининг илм олишларига сарф этишса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Муборак ҳадиси шарифларда аза уч кун дейилган. Ёғин-сочинли, совуқ ёки иссиқ кунларда эшикда одам кутиш исломда йўқ нарса. Оламдан ўтган азиз инсонларнинг руҳига бағишлаб қаерда Қуръон тиловат қилинса, унинг савоби тўхтовсиз етиб бораверади. Ҳайит байрамини азага айлантириб юбормаслик керак. Оналаримиз, опа-сингилларимизни ҳайит куни эрта тонгдан маҳаллани бошларига кўтариб йиғлашларидан қайтармоғимиз лозим. Марҳумларнинг яхши фазилатларини ва ибратли ишларини кўпроқ эслайлик.

Қурбон ҳайити кунларида барча мусулмонлар бир-бирларини муборакбод этиб, табаррук отахон, онахонларга иймон, ёшларга тавфиқ ҳидоят тилашади. Қариндош уруғларни бориб кўриш, ёру биродаларни зиёрат қилиш, бева-бечоралар ҳолидан хабар олиш бу кун қалб эҳтиёжига айланади. Бирор сабабга кўра аразлашган, гина кудуратли таниш-билишлар ҳам шу муборак кунларда бир-бирларига қучоқ очиб узр сўрашлари керак. Чунки, кечиримли ва меҳр-шафқатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Яна бир бор юртдошларимизни ҳайит байрами билан самимий муборакбод этиб, барчамизга Аллоҳ таолодан фаровон ҳаёт, бахт-саодат, она Ватанимизга тинчлик, осойишталик, мустақиллигимиз пойдеворини янада мустаҳкам қилишини сўраб дуога қўл очайлик!

Суҳбатдош:
Мирзо Анвар КАРИМОВ.

ҲОМИЙ КОРХОНА МУРУВВАТИ

Бозор иқтисоди ҳар бир корхона, ташкилотни боқимандалик кайфиятидан халос бўлиб, омилкорлик билан ишлашини тақозо этади.

Буни Қумқўрғон туманидаги «Сурхон» қурилиш комбинати мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда ҳиссадорлик жамиятида 250 нафар ишчи меҳнат қилиб, сезиларли ютуқларга эришмоқда. Корхона 1997 йили батамом банкротлик даражасида эди.

— Биз 1998 йилни 97 миллион сўмлик қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан якунлаб, қарзлардан қутулдик, - дейди жамият раиси Ҳ.Улуғбердиев. - Ўтган йилда эса бу кўрсаткич 215 миллион сўмликни ташкил этди.

Албатта, ишни йўлга қуйиш ўз-ўзидан бўлмади. Энг муҳими, чет эллик мутахассислар-сармоядорларни жалб этиш юқори самарадорликка эришишимизга замин яратмоқда.

Англиянинг «Еврокоммес» компанияси билан 38 миллион сўмлик юқори босимли бетон қувурлар учун шартномалар имзоланганди. Бу йил эса хоризлик ҳамкорларимиз билан маҳсулот айирбошлаш 100 миллион сўмга етказилади.

— Бизда ҳар бир ишчининг оилавий аҳволи, турмуш шароити касабақўм назоратида, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Тўрахон Аҳмедов. - Корхонамизда ёрдамчи хўжалик мавжуд. 100 га яқин қўй, 35 бош қорамол ишчи-хизматчиларни байрам ва бошқа тадбирларда гўшт маҳсулотлари билан бепул таъминлашга имкон бермоқда. Кам таъминланган ишчиларга 1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 68 нафар ишчи-ходимнинг болалари мавсумда Узун туманидаги Э.Қулниёзов номли болалар оромгоҳида дам олдирилди. Корхона аҳли «Бинафша» болалар боғчасига 100 минг сўмлик моддий кўмак берди ва уни ўз ҳомийлигига олди.

Жамият яқинда туман миқёсида ўтказилган шахмат-шашка мусобақасини ташкиллаштириб, совриндорларни муносиб тақдирлади.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ

ТАЪЗИЯГА БОРИШ ОДОБИ

Агар таъзияга боришнинг одоби нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айт. Биринчидан, (таъзияга борган одам) кам гапирсин. Иккинчидан, салла-тўнини йиртиб, улоқтириб йиғламасин, ортиқча оҳ-воҳ қилмасин. Учинчидан, қўлини кўксига уриб, юзини юлиб дод солмасин. Тўртинчидан, беҳудага бемаъни гапларни гапирмасин. Бешинчидан, мотам эгаларига сабру қаноат тиласин. Олтинчи ва еттинчидан, қўлидан нима келса ёрдам берсин. Саккизинчидан, марҳумнинг ўлимидан ўзига ибрат олсин, яъни ўлим ўзининг бошига ҳам келишини ўйласин.

Эй дўст, ибрат олувчи кўз бўлса сенда,
Қўшни ўлими ёрқин мисол-ку бунда.

Нормаҳмат ака узоқ вақт туман автомобил йўллари бошқармасида ишлади. Энди эса бир этак невара-чевараларини ёнига олиб кексалик гаштини сураяпти.

...Кампири Иқбол момо дамлаб қўйган чойни қайтариб, хўплар экан, ўтган ҳаёт йўлига назар ташлади. Ҳаёлан қадрдон жамоасидагилар билан суҳбатлашди: Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча йўлларда ишламади. Ҳамкасблари билан ўтган кунларини эсласа, юраги жунбушга келади.

МЕҲР ОҒУШИДА

Кўча дарвозасининг тақиллаши Нормаҳмат ака хаёлини бўлиб юборди.

— Дада, ишхонангиздан сизга келишибди, - деди ўғли Шодмон.

— Менга?! Ким экан? Айтгин, келишаверсин.

Нормаҳмат ака ташкилот раҳбари Очил Қодиров, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси муовини Амирқул Алиқуловни кўриб қувониб кетди. Бир пиёладан чой узатаркан, киприкларига қалқиган дийдорлашув ёшларини артиб деди:

— Сизларни кўриб бошим осмонга етди. Аллоҳ кам қилмасин.

— Аҳволингиздан хабар олиб кетайлик дедик-да, - мақсадга кўчди Очил ака. - Камчиликлар йўқми? Соғлиқларингиз яхшими?

— Худога шукр, ҳамма нарса етарли, йўқлаб келганларингизнинг ўзи оиламиз учун катта хурсандчилик.

Касабақўм раиси муовини қўлидаги совғани топшираркан, отахонни маҳкам бағрига босди.

«Олақарға» қишлоғида яшовчи Нормаҳмат Нурматовлар хонадони шу куни ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

— Отамни яна 10 ёш яшартириб кетдингиз, - деди ўғли Шодмон ўз миннатдорчилигини билдириб.

Бир кўнгилни овлаш Маккани юз марта зиёрат қилиш билан баробар, деб бежиз айтмайдилар. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида Наврўз байрами арафасида меҳрибонлик ва қариялар уйларига, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришни кучайтириш ва кўкаламзорлаштириш билан бирга кексалар ҳолидан хабар олиш ҳам улуғ ишлардан бири эканлиги таъкидланган. Буни Очил Қодиров раҳбарлик қилаётган Яккабоғ туманидаги автомобил йўллари бошқармаси аъзолари дилдан тушунади. Ташкилотдаги 6 нафар меҳнат фахрийсига ҳар байрамда ҳурмат кўрсатилиб, уларнинг оилавий шароитларидан хабар олиш билан бир қаторда кам таъминланганларга моддий кўмак кўрсатиш одатий ҳолга айланган. Масалан, кўп йиллар ташкилотда ишлаган ишчи Аваз Сатторов совға-саломлар билан нафақага узатилди. Ишчи Юсуф Улашев фарзандининг хатна тўйини ўтказганда, ташкилот харажатларнинг бир қисмини ўз зиммасига олди.

Биргина бу эмас. Ҳаммасидан ҳам ишчиларга уй-жойлар қуриб бериш йўлга қўйилганлиги барчани хушнуд этмоқда. Ҳар бири икки хўжаликка мўлжалланган 2 қаватли 5 та турар-жой биноси қурилиб, уларнинг 3 тасига ишчилар кўчиб ўтишди. Айниқса, 35 йил ишлаб, нафақага чиққан ишчи Сайфи Тўраев оиласига уй қалити топширилганда, уларнинг қанчалар қувонганларини бир кўрсангиз эди. Яккабоғ шаҳридаги «Юлдузча» болалар боғчаси тарбияланувчилари учун ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилаётганлиги келажагимиз эгаларига кўрсатилаётган яна бир ғамхўрлик тимсоли.

Ўтган йилда ташкилот ишчилари учун кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларга қарийб 695 минг сўмлик моддий кўмак берилган. Яқинлашиб келаётган Наврўз байрами арафасида ҳам фахрий ва ногиронларга, кам таъминланган оилалар учун кўмак бериш кўзда тутилган. Ишлаб чиқаришда алоҳида ўрнак кўрсатаётганларни эса моддий ёрдам кутмоқда.

— Меҳр-оқибатни, кишилар қалбига йўл топишни устозим, Олий Мажлис депутати Қурбон Панжиевдан ўрганганмиз, - дейди Очил Қодиров.

Аҳиллик ва ўзаро ҳурмат бор жойда самарадорликка эришиш ҳам осон кечади. Амалда ҳам шундай бўлмоқда. 2000 йилда 99 миллион 581 минг сўмлик йўл қурилиш ва таъминлаш ишлари амалга оширилган эди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада ортиши кутилмоқда. 67 километр турли аҳамиятга эга бўлган йўллар таъмирланди. 32 та йўл белгиси алмаштирилди. 697 та йўл белгиси таъмирланди. 118 та огоҳлантирувчи устунчалар ўрнатилди. 2 та автобекат фойдаланишга топширилди. 3700 метрли пиёдалар йўлакчалари қурилди. Бу ишларни бажаришда Олим Узоқов, Илҳом Азизов, Турсун Боймуродов, Жамол Хўжақуловларнинг жонбозликларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Туман ҳудудидан ўтувчи 23 километр халқаро, 74 километр республика, 89 километр вилоят ва 85 километр туман аҳамиятига молик автомобил йўлларини талаблар даражасида сақлаш учун яккабоғлик йўлсозлар бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Тошкент-Термиз магистрал йўли ҳам айнан туман ҳудудидан ўтади. Республика жанубини хориж билан боғлайдиган халқаро аҳамиятга молик йўлларга автомобиллар ҳаракатланишини кўнгилдагидек ташкил этиш учун бор имкониятдан оқилона фойдаланилмоқда. Бу эса йўлсозлардан катта масъулият талаб қилади.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Жиззах вилоят қўмитасининг бош ҳисобчиси Баҳромжон Муқимовга волидаи муҳтарамаси **ТОЖИ АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ҲИМОЯ

(Боши 1-бетда).

— Тўғрисини айт, мен сенинг қўлингдан қотиллик келишига ишонмайман...

Жиноят содир этилгандан буён бундай саволларнинг оҳангидан гап нима ҳақида кетаётганлигини билиб қолган Мирзоҳид саволга дарҳол жавоб қайтарди.

— «Ҳамза ариғи» бўйида минг сўм пул сўраган эдим, бермади. Шунинг учун...

— Менга қара, бола, ёлғондан сўзлаётган бўлсанг ҳам сал одам ишонадиган қилиб гапир. Экспертиза хулосаси марҳумнинг аввал калтакланиб, сўнгра бўғиб ўлдирилганлигини кўрсатмоқда. Қоларса, минг сўм пул сўраш учун уни корхонадан икки километр нарига етаклаб бордингми? Тағин бошқалар қилган жиноятни бўйнингга олаётган бўлмагин? Бу жиноят учун сени оғир жазо кутаяпти...

Шунда Назиржон аканинг қулоғига «Мен қотил эмасман!» деган аламли фарёд эшитилди.

- Мен қотил эмасман, ана, қотиллар юришибди мазза қилишиб. Улар мени мажбурлашди. Агар қотилликни бўйнимга олмасам, бир кунда уйимдагиларни гумдон қилиб, синглимни зўрлашларини айтиб қўрқитишди. Ўзимни ҳам ўлдиришларини айтишди...

Шу кундан бошлаб иш асл ҳақиқат томон юз бурди. Гумондорнинг берган кўргазмалари асосида ҳақиқий қотиллар ҳибсга олинди. Улар жиноят қурбони бўлмиш Абдуваҳоб Мирзалиев ишлайдиган корхонанинг бошлиғи Ғанижон Шолоров ва унинг ҳамтовоғи Исмоил Комиловлар экан.

Воқеа аслида бундай бўлибди: хотини ва келини билан уришиб уйидан чиқиб кетган Ғанижон Шолоров бир неча кун мобайнида дуч келган оғайниларининкида ётиб юрарди. Кунларнинг бирида ҳамтовоғи Исмоил Комиловни учратиб қолади. Бир-бирини кўрганидан кўнгли чоғ бўлган дўстлар ўтириб улфатчиликни бошлашади. Ароқдан кайфлари ошгач нашадан хуморбости қиладилар.

Шу аснода ўзларидан сал нарироқдан ўтиб кетаётган Мирзоҳидга кўзи тушган Ғанижон уни ёнига чақиради.

— Бизнинг уйга бориб, жун титиш дастгоҳида ишлаётган Абдуваҳобни буёққа айтиб кел. Биз «Ҳамза ариғи» бўйида кутиб турамиз.

Топшириқни олган Мирзоҳид дарҳол Абдуваҳобни чақириб келади.

— Менга қара, Абдуваҳоб, бизнинг катта уйга кирасан. У ерда жомадон бор, ичидан пулни олиб, кийим-бошларим билан олиб келасан, — дейди Шолоров.

— Бундай қила олмайман, - дарҳол эътироз билдиради Абдуваҳоб. — Сабаби, уйингиздан ўғирлик қилган бўламан. Эшитган қулоққа яхши эмас...

— Ие, сен ҳали ўзингдан катта одамга гап қайтарасанми! - дея Ғанижоннинг ҳамтовоғи Исмоил Комилов қўққисдан Абдуваҳобнинг бошига мушт туширди. Мушт зарбидан мувозанатини йўқотган Абдуваҳоб ерга йиқилди. Вазиятдан фойдаланган Ғанижон Шолоров уни бўға бошлади. Ваҳшийлашган ҳамтовоқлар бир зумда Мирзоҳиднинг кўз олдида Абдуваҳобни бадном қилдилар. Аввалари ҳам бир неча бор содир этган оғир жиноятлари учун судланган ҳамтовоқлар қўрқитиш йўли билан қотилликни шу ерда турган Мирзоҳиднинг гарданига илиб қўйишди. «Мабодо бўйнингга олмасанг...». Қолган гапни эса эшитдингиз. Аммо инсон руҳиятини жуда яхши билган ҳимоячи Назиржон Раҳимовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жиноят очилди.

Р.Ҳамдамова раислигида бўлиб ўтган суд ҳукмига кўра қотиллар Ғанижон Шолоров ва Исмоил Комиловларнинг ҳар бири 20 йилдан озодликдан маҳрум этилдилар.

Бир қотиллик тарихи шу кўйи якун топди. Хўш, Мирзоҳид Умаровнинг тақдири нима кечди, деб сўровчилар ҳам топилиб қолади, албатта. У ҳам жавобгарликка тортилди. Маълумки, республика Жиноят Кодексининг 241-моддасида жиноят ҳақида хабар бермаганлик учун жазо муддати белгиланган. Шунга кўра М.Умаров ҳам жавобгарликка тортилди, лекин Президентимизнинг амнистия ҳақидаги Фармонига асосан жазодан озод қилинди.

ШАҲРИЁР.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Юртимиз аёллари ҳамда соҳада меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларни ёшариш ва янгиланиш фасли Наврўз ҳамда 8 Март — Хотин-қизлар байрами билан муборакбод этади.

Мустақил Ўзбекистонимиз келажаги бўлмиш ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли, ўта шарафли ишингизда муваффақиятлар тилаймиз!

АЁЛЛАРИМИЗ ЧЕҲРАСИДАН ТАБАССУМ АРИМАСИН!

ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАР КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Ҳаётимиз гуллари бўлмиш хотин-қизларимизни 8 Март баҳор байрами билан чин қалбдан муборакбод этади!

Она Ватанимизни гуллаб яшнатиш йўлидаги улуғвор ишларингизда улкан муваффақият, оилангизга бахту саодат ёр бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛ ВА ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

СОҲАМИЗ АЁЛЛАРИ — МУҲТАРАМА ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗНИ БАЙРАМ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Омад ва муваффақият Сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 21.25

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6